

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Ражабова Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
--	----

Н.Шарафиддинова Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети	79
--	----

ТИЛШУНОСЛИК

М.Абдупаттоев Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура	87
--	----

М.Турдибеков Конибодом тумани макро ва микро топонимлари	92
--	----

М.Усманова “Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари	96
---	----

М.Иброхимова, Т.Алимов Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
---	----

М.Мадаминова Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
---	-----

С.Ҳабибуллаева Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик- семантик хусусияти.....	111
---	-----

А.Уралов Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция	115
--	-----

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Сафарова Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
---	-----

Э.Мирзажонова Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
--	-----

М.Туйчиева Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари	129
---	-----

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришланинг жадал технологияси	134
---	-----

Р.Пирназаров Қурбонқўл қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
---	-----

Б.Холматова Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
---	-----

Н.Собиров, С.Исроилова Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари	144
---	-----

М.Болтабоев Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи	147
--	-----

Д.Абдуллаев Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
---	-----

Н.Исраилов “Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши	154
--	-----

А.Мусаев XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш	159
--	-----

С.Ҳамрақулов “Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши	163
--	-----

УДК: 8-32+413.141

ИСАЖОН СУЛТОН ҲИКОЯЛАРИДА МАЪНОДОШ ҲАМДА ЗИД МАЪНОЛИ СЎЗЛАРНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТИЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СИНОНИМОВ И ПРОТИВОРЕЧИЯ В
РАССКАЗАХ ИСАДЖАНА СУЛТАНАLEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF SYNONYMS AND CONTRADICTIONS IN THE STORIES OF
ISAJON SULTANҲабибуллаева Соҳибжамол Акмалжон қизи¹¹Ҳабибуллаева Соҳибжамол Акмалжон қизи – Фарғона давлат университети
магистранти.**Аннотация**

Мақолада таниқли ёзувчи Исажон Султон ҳикояларида қўлланган маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти, бадиий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида синоним ва антоним сўзларнинг аҳамияти каби масалалар таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются такие вопросы, как лексико-семантическая природа синонимических и противоречивых слов, используемых в рассказах известного писателя Исаджона Султана, значение синонимов и антонимов в процессе лингвистического анализа художественного текста.

Annotation

The article analyzes issues such as the lexical-semantic nature of synonymous and contradictory words used in the stories of the famous writer Isajon Sultan, the importance of synonyms and antonyms in the process of linguistic analysis of a literary text.

Таянч сўз ва иборалар: лисоний таҳлил, лингвопоэтика, мутабақа, лексик маънодошлик, контекстуал антонимия, антитеза, бирикмалар доирасида антонимлик.

Ключевые слова и выражения: лингвистический анализ, лингвопоэтика, мутабака, лексическая семантика, контекстуальная антонимия, антитеза, антонимия внутри сочетаний.

Keywords and expressions: linguistic analysis, lingvopoetics, mutabaqa, lexical semantics, contextual antonymy, antithesis, antonymy within compounds.

Бадиий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини намоён этадиган, эмоционал-экспрессив ифода семалари қабарик ҳолда реаллашган лексик бирликларни аниқлаш ва улар адибнинг бадиий-эстетик мақсадига қай даражада хизмат қилгани ҳақида мулоҳаза юритиш талаб қилинади. Бунинг учун бадиий асар тилидаги маънодош, шаклдош, зид маъноли, кўп маъноли, тарихий ва архаик сўзлар, янги ясалмалар, шевага оид сўзлар, чет ва вульгар сўзлар ажратиб олинадиган ва асарга нима мақсад билан олиб кирилганлиги изоҳланади[1].

Маънодош сўзлар тилнинг луғавий жиҳатдан бойлик даражасини кўрсатиб берувчи ўзига хос воситадир. Тилда маънодош сўзларнинг кўп бўлиши тилнинг эстетик вазифасини янада тўлиқ бажара олишини осонлаштиради. Бу, жуда қадим замонлардан бери анланган, идрок этилган ва ўрганилган ҳодисадир. Ўзбек тили маънодош сўзларга жуда бой. Ёзувчилар тилимиздаги маънодош сўзлар ичидан тасвир мақсадига энг муносибинини топиб, улар орқали қаҳрамонлар

руҳияти ҳамда тасвир объектининг энг кичик қирраларигача ифодалашга ҳаракат қиладилар. Бадиий матндаги маънодош сўзлар таҳлилида, асосан, икки жиҳатга эътиборни қаратиш зарур. Улардан бири муаллифнинг икки ёки ундан ортиқ маънодош сўздан ифодаланаётган мазмун учун энг мақбул бирини танлаши бўлса, иккинчиси айни бир матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларни бадиий тасвир мақсадига уйғун ҳолда қўллаши масаласидир.

Тилшуносликда маънодошликнинг, асосан, уч тури фарқланади, яъни: 1) лексик маънодошлик; 2) фразеологик маънодошлик; 3) лексик-фразеологик маънодошлик. Лексик маънодошликдан бир неча мақсадларда фойдаланилади. Тил бирликларининг такрори натижасида юзага келадиган ифоданинг оддийлиги ва рангсизлигидан қочиш учун: “Лекин ўша қашшоқ кишилар юз, кўзида алланечук нур бор. Ҳа, бети тиришларга тўла, кафтлари қадоқ, усти юпун... аммо қалбининг нурланиб туришига қарасангиз-чи?” (“Қора соя”). Инсон бош қисмининг олд томони ораз, узор, рухсор, талъат, чехра, юз, бет, афт,

башара, нусха, турқ сингари сўзлар орқали ифодаланади. Юқорида келтирилган синонимлар қаторида юз сўзи доминант сўздир. Ораз, узор, рухсор, чехра сўзлари ижобий баҳо, шунингдек, бадий услубга хосланиш белгиси бўлса, бет, афт, башара, нусха, турқ сўзларида салбий баҳо муносабати мавжуд ва бу салбий баҳо уларда даражаланиб, кучайиб боради: бетга нисбатан афтда салбий баҳо кучлироқ, турқда эса ҳаммасидан кучлироқдир. Демак, юқоридаги парчада ёзувчи юз ҳамда бет синоним сўзларидан моҳирона фойдаланиб, ҳам такрорнинг олдини олади, ҳам ҳикоядаги оддий халқ боённинг (исми берилмаган) зулмларида чарчагани, тинимсиз ишлаш натижасида дастлаб юз деб ишлатилган лексема кейинги ўринда “бети (салбий маънода) тиришларга тўла” шаклида қўллаб, оддий халқнинг амалдорлар томонидан талон-торож қилиниши натижасида борган сари аҳволи оғирлашаётганини ҳам мана шу синоним лексемалар орқали ифодалайди.

Тасвир объектига эътиборни жалб қилиш учун: Кишилар эътиқоди минг йилдан буён алвастини **тамуғга**, **яъни дўзахга** йўллаб келади. Мантиқан тўғри, яъни қилмиш-қидирмиш (“Алвасти”). Бу ўринда ёзувчи икки маънодош сўз (дўзах сўзининг тарихий шакли бўлган тамуғ) ўртасида, “яъни” аниқлов боғловчисини келтириш орқали тасвирнинг аниқ, равшан чиқишига ва ифода экспрессивлигига эришган.

Ижобий белгининг даражама-даража ортиб боришини аниқ ифодалаш учун: Вужуддан мадор кетган, кўнгилнинг ўтлари сўнган, ғайрат сусайган... Аммо тилсим тоғи **азим**, **буюк**, **улуғвор**, сиртида бутун олам акс этаётир (“Манзил”). Ёзувчи юқоридаги мисолда маънодош сўзларни қатор келтириш орқали мажозий маънода тилсим тоғини аслида умрнинг мазмунини излаб йўлга чиққан йўловчиларнинг ички кечинмалари, психологик ҳолатини яратади.

Бувининг уйи оддий, кичкина, аммо осойишталикка тўла. Ҳавоси **сарин**, **ёқимли**. (“Шамолли кеча”). Бунда ёзувчи онасидан эрта айрилган болаларнинг отаси бошқа аёлга уйланганидан сўнг, уларга ўз уйларининг ҳавоси ҳам ёқмай қўйгани, кемтик кўнгилларини бувисининг сарин, ёқимли туюладиган ҳовлиси тўлдирадигандай. Болалар учун энг осойишта жой мана шу ер бўлиб қолгани, уларнинг ички оламида кечаётган ҳис-туйғуларини юқоридаги маънодош сўзларни даражалаб кўрсатиш орқали таъсирчан ифодалашга эришган.

Салбий белгининг кучайиб боришини ифодалаш учун: Ипдай гавдаси билан ҳатто кесактоғни хиёл ўрnidан жилдирибти ҳам – **қайсаргина**, **ўжаргина**, **ўзбилармонгина** экан бу ниҳолча. (“Менинг гулим”). Бу ўринда салбий белгига эга бўлган маънодош сўзларни кетма-кет қўллаш орқали ёзувчи ҳикоядаги кўнгил боғида ўсиб чиққан гулни нақадар мағрур, нақадар қайсар эканлигини бўрттириб, кучайтириб ифодалайди.

Бу бева хастаҳол, **озгин**, кўп жаврайдиган бир хотин эди. Йил ўтмай **ингичка**, ранги синиққан, **озиб-тўзган** бир бола туғди. (“Шамолли кеча”). Ёзувчи салбий бўёққа эга бўлган синонимик қаторда лексемаларни бир қаторда қўллаш орқали ҳикоядаги қаҳрамонларнинг тушкун кайфиятини акс эттириш орқали ифода экспрессивлигига эришган.

Контекстуал маънодошлик. Катта маҳоратли ёзувчиларнинг бадий тил борасидаги устунликларидан бири шундаки, улар фақат тилда мавжуд бўлган, тайёр маънодош сўзлардангина фойдаланиб қолмасдан, бадий тасвир эҳтиёжига кўра маънодош бўлмаган сўзларни ҳам шундай қўллайдиларки, бу сўзлар ҳам матнда худди маънодош сўзлар каби идрок этилади. Масалан, “Уйга кираман-у бағримни захга бериб ётиб оламан. Отам...Таянчим, қувватим, суянчиғим кўзимнинг олдидан кетмайди” (“Тодд”). Юқоридаги мисолда синонимликни ҳосил қилаётган сўзларни, матндан ташқарида олиб қаралганда, умуман синоним эмас, лекин ёзувчининг ўзига хос маҳорати билан улар матнда контекстуал синонимликни ҳосил қилган ҳамда бадий матнда Мамасиддиқ пишиқнинг катта ўғли отасининг вафотидан сўнг, отасини қанчалар соғинганини, қанчалар кўмсаётганини таъсирли қилиб ифодалаб келмоқда.

Лексик-фразеологик маънодошлик: Луғавий бирлик сифатида фразеологизмлар сўзлар билан ҳам синонимик муносабатда бўла олади. Масалан, “Эртага қушчага айланиб учиб кетиб қолмайсизми?– деб сўраб қўяман эркалаб”.

“У мағрур, ўзига жуда бино қўйган – жавобни-да раво кўрмайди” (“Менинг гулим”). Ёзувчи бу ўринда лексик-фразеологик маънодошлик орқали ҳикоядаги гулнинг ўта мағрурлигини мағрур лексемасига маънодош бўладиган ўзига бино қўймоқ иборасини қўшиш орқали асарнинг бадий-эстетик вазифасини янада оширади, бу эса, ўз навбатида, асардаги таъсирчанликни таъминлаб берган.

“Шунақа... **Гапиради – қарайди. Гапиради – разм солади...** шундан сўнг “Қорнинг ҳам очдир, кел, мана бунга еб олақол” деб пичоқ учига пишган эт бўлагини узатасиз” (“Жестирноқ”). Юқоридаги парчада параллел қўлланиб келадиган лексема ҳамда фраза ўртасидаги маънодошлик асардаги таъсирни кучайтириш, ўқувчининг диққатини тортиш каби вазифаларни ифодалаган.

Эгалари қани, дея хавотирланиб ичкарига мўраладим. Ҳеч ким йўқ, ҳаммаёқ **ораста, батартиб, ёғ тушса ялагудек** (“Ўрмондаги кулба”). Бу ўринда адиб ҳам лексик маънодошлик, ҳам лексик – фразеологик синонимиядан фойдаланиб, ҳикоядаги таъсирчанликни кучайтириб, тозалик белгисини бўрттириб, ифодалаяпти.

Зид маъноли сўзлар. Тилда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадиий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қўлай воситалардан биридир. Шарқ адабиётида жуда қадим замонлардан буён тилдаги бу ифода имкониятидан кенг фойдаланиб келинган. “Шоир учун жуда зарур бўлган санъатлардан бири тазоддир. Бу санъат яна мутобақа, тибоқ, татбиқ, муттазод, иттизод ва такофу, деб ҳам аталади. Бу санъатда, бадиашуносларнинг айтишича, зид маъноли сўзлардан фойдаланилади”. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг бадиий илми истилоҳлари тадқиқига бағишланган “Мафотиҳ ал-улумъ асарида мутобақа атамасига шундай изоҳ беради: мутобақа сўзи тобақа феълдан олинган бўлиб, у муаннас “туя орқа оёғини ўзининг олдинги оёғининг изига қўйиб юрди” маъносини беради” [2].

Европа филологик анъанасида бу санъат “антитеза”, деб юритилади. Бадиий асар тилига бағишланган ишларда зидлантириш, қаршилантириш атамаларидан фойдаланилади. Зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образлар зидлантирилади. Одатда морфемик, лисоний ва контекстуал ёки нутқий зид маъноли сўзлар фарқланади.

Исажон Султон антоним (зид маъноли) сўзлардан унумли фойдаланган. Кузатишларимизда зид маънолилик ҳодисаси адиб ижодида нафақат лексик кўринишда, балки тилнинг бошқа сатҳларида ҳам учраши аниқланди. Булар:

1. Аффикс антонимлар. Ёзувчи лисоний бутунликлар сирасида қўшимчалар ўртасидаги ўзаро қарама-қарши маънолилик хусусиятидан кўп ўринларда фойдаланган. Масалан,

қуйидаги мисолда ой асосли сўзга -ли ва -сиз антоним қўшимчаларини қўшиш орқали янги сўз “ойли” ва “ойсиз” сўзлари ясалган ва у асарда қарама-қарши маъноларни ифодалаб келган: **Ойли ёки ойсиз** шамол тўнкаларни кўчиргудай бўлиб эсган тунларда танҳо кезган кишиларга, уйда ёлғиз қолдирилган болаларга, туғадиган хотинларга кўринадиган, дейишади (“Алвасти”). Ушбу зид маъноли қўшимчалар боғланиб келган сўзларни қўллаш натижасида ёзувчи бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тушунчани зидлаш орқали тасвирнинг аниқ, равшан чиқишига ва ифода экспрессивлигига эришган.

2. Лексик антонимлар. Зид маънолилик энг кўп лексемалар тизимида кузатилади. Маълумки, зид маънолилик, асосан, сифат сўз туркуми доирасида юзага келади. Исажон Султон асарларида лексик сатҳдаги зид маънолилик кўпроқ сифат, равиш туркумларига хосдир:

а) сифат сўз туркуми доирасида: **Яхши кунда-ю ёмон кунда** ёнидаман. Ёнида бўлмасам ҳам қайга борардим? (“Озиқчи”). Асардаги яхши ва ёмон лексик антонимлари пайтга нисбатан қўлланилиб, контекстда умумлашма маънога эга яхши кунда-ю ёмон кунда ёнидаман, яъни ҳар доим ёнидаман деган маънони ифодалаб келган.

б) равиш сўз туркуми доирасида: Экинлар, дарахтлар орасида шитирлар эшитилади. У **тунда** емиш излаб чиққан мушук ё илон саси. Ўша маконларда, қишлоқ четида қаровсиз чакалақлар орасида, **кундузи** болалар сурон кўтариб ўйнаган, ҳозир кимсасиз қолган ҳудудларни Озиқчи кезади (“Озиқчи”). Равиш сўз туркумига мансуб тунда ва кундузи сўзлари “пайт” маъносидаги зидликни ифодалайди. Ҳикояда ёзувчи тунда ва кундузи равишлари орқали озиқчи қандай пайтларда кезиб юришини ўқувчига яна ҳам аниқроқ тасвирлаб берган. Яъни антоним сўзлар контекстда умумлашма маъно ифодасига хизмат қилган.

д) феъл сўз туркуми доирасида. Илонни ярамас дедингиз- бошини янчар бўлишди. Менга не қиймат берасизки, **ё азиз, ё хор бўлай?** (“Озиқчи”) азиз ва хор лексемалари матндан ташқарида сифат сўз туркумига мансуб бўлиб, юқоридаги мисолда эса эллипсис ҳодисасига учраган қўшма феъл таркибида келиб, зидликни таъминламоқда. Ушбу мисолда сифат+феъл, сифат+феъл таркибли қўшма феъллар зид маънолиликни ҳосил қилган. Ва бу зидликни гап охирида

ёнма-ён қўллаш орқали адиб асарга кучли контрастликни олиб кирган.

3. Бирикмалар доирасида антонимлик. Яна айтишадики, **хотин кишига эркак, эркак кишига хотин** бўлиб кўринармиш (“Алвасти”). Бу мисолда ёзувчи адабиётшуносликдаги тарду акс санъатидан фойдаланиб, яна бир зид маънолиликини маҳорат билан акс эттирган. “Тарду акс (ар. Қувмоқ; тескари қилмоқ; тескари қилиб такрорлаш) байт таркибидаги икки сўз ёки бирикмани аввал маълум бир тартибда келтириб, сўнг уларнинг ўрнини алмаштириб такрорлаш” [3,313]. Ҳикояда хотин киши ҳамда эркак киши бирикмалари гендер антонимияни ҳосил қилиб, уларни бирикма шаклида қўллаш орқали ёзувчи зидлик маъносини бўрттириб, таъсирни кучайтириб ифодалайди.

4. Контекстуал антонимия. Контекстуал антонимлар бадий асарда тасвирнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ишлатилади. Маълумки, баъзан қарама-қарши маънога эга бўлмаган сўзлар ижодкор ниятига мос равишда муайян контекстда бир-бирига қарама-қарши қўйилади. “Асли антонимик муносабатда бўлмаган бундай сўзларнинг қарама-қарши қўйилишида контекст алоҳида рол ўйнайди, шунинг учун улар шартли равишда контекстуал антонимлар, деб юритилади”[4,15]. Бадий асарларнинг экспрессивлиги, ифодалилиги ҳамда бўёқдорлигини таъминлашда контекстуал антонимларнинг ўрни катта. Масалан: “Шом саринлиги майин нафас билан вужудга киради, ёйилиб **хузур** беради. Ўша **хузур** ва алвасти **қўрқуви** аро, яланг оёқларга майда тошлар ботса-да оғриқ сезмасдан, хира сариқ чироқлари ёниб турган ўз уйларига ўқдай

чопган болакайларни ҳам ҳосил қилади. Яна, **қўрқув** ҳосил қилган ҳаяжон ва хавф-хатарда қутулгандаги **хузурни** ҳам айтиб ўтиш керак (“Алвасти”). Юқоридаги мисолда хузур ҳамда қўрқув сўзлари контекстдан ташқарида бир-бирига қарама-қарши маъноларни ҳосил қилмайди. Бу мисолда шартли равишда антонимик жуфтлик сифатида қўлланган. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғатида хузур лексемасига зид маъноли сўз сифатида “азоб, заҳмат” [5,213] сўзлари берилган. Қўрқув сўзи айнан келтирилмаса-да, луғатда қўрқоқлик сўзига ботирлик сўзи антоним сифатида кўрсатилган. Кўринадики, бу мисолда “хузур” ҳамда “қўрқув” сўзлари контекстуал антонимлар бўлиб, ёзувчи бу орқали нутқнинг ифодали ва ўткирлигига эришган.

Луғавий бирликлар (сўз, ибора) бадий тасвир, эстетик мазмунни шакллантирувчи тил бирликларидир. Ҳар бир ёзувчи ёки шоир луғавий бирлик танлаш ва уни қўллаш истеъдоди билан ўзига хослигига ҳамда ўз индивидуал бадий услубига эришади.

Исажон Султон луғавий бирликларнинг шаклий, мазмуний турларидан, асосан, маънодош ҳамда зид маъноли сўзлардан моҳирона фойдалана олиш салоҳияти билан ажралиб туради.

Ёзувчи антоним сўзлардан образларни қаршилантириш, қаҳрамонлар характери, руҳий кечинмаларини зидлаш, воқеа-ҳодисаларни бўрттириб тасвирлаш мақсадида, синоним сўзлардан эса нутққа путур етказадиган ўринсиз такрорларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланади, бунинг натижасида адиб асарларининг образлилиги, ифодалилиги ҳамда экспрессивлиги ошади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т., 1983.
2. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т.: Фан, 1981
3. I.Sulton. Boqiy darbadar.- Т.: O'zbekiston, 2011
4. I.Sulton, Bog'i Eram. – Т.: Sharq, 2015
5. I.Sulton. Ozod,- Т.: Sharq,2012
6. I.Sulton. Hazrati Xizr izidan. – Т.: G'afur G'ulom, 2018
7. I.Sulton. Qoraqush yulduzining siri. – Т.: G'afur G'ulom, 2019
8. Маҳкамов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т.: Фан, 1995.
9. Qur'onov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug'ati .- Т.: Akademnashr, 2013
10. Rahmatullayev Sh., Mamatov N., Shukurov R. O'zbek tili antonimlarining izohli lug'ati. – Т.: O'qituvchi, 1989.
11. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – Т.: Fan, 2007.
12. Yo'ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. – Т.: Fan, 2008.
13. Yo'ldoshev M., Isoqov Z., Haydarov Sh. Badiiy matnning lisoniy tahlili.– Т.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 2010.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).